

Жума куни рўза тутиш



11:02 / 28.02.2020 11010

Савол:

Биз ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари рўза тутиш яхши эканлигини, бу суннат амал эканлигини биламиз. Бизни, шунингдек, жума куни рўза тутишнинг фазилатлари ҳамда шартлари қизиқтиради.

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Жума кунининг ёлғиз ўзини ажратиб олиб рўза тутиш мумкин эмас. Чунки кишиларда «Жума куни рўзасини тутиш шариатда бор экан» деган тушунча келиб чиқиб қолиши мумкин. «Жума кунидан олдин бир кунни қўшиб ёки кейинги бир кунни қўшиб тутиш жоиз», дейишади уламоларимиз. Буни яхши билишимиз керак. Жума кунини алоҳида ажратиб олиб рўза тутиш мумкин эмас. Аммо ҳар ойнинг аввалида,

Ўртасида ёки охирида рўза тутишни, нафл рўзаларни тутишни ўзига одат қилиб олган одам ўша кунлар жума кунига тўғри келиб қолса, тутаверади.

Валлоҳу аълам.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан